

ТАОМ НОМЛАРИНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Усмонова Одина Сиддиқовна

Анжисон давлат университети, катта
ўқитувчи

Аннотация. Мақолада таом номларининг бадиий матнда қўлланилиши хусусиятлари бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: бадиий матн, таом номлари, колорит, миллийлик, гендер фарқлар, ижтимоий иерархия.

Аннотация. В статье анализируются особенности употребления названия продуктов питания в художественных текстах на основе примеров из художественных произведений.

Ключевые слова: художественный текст, названия продуктов питания, колорит, национальность, гендерные различия, социальная иерархия.

Annotation: The article analyzes peculiarities of using the names of food products in literary texts based on examples from works of fiction.

Key words: literary text, food names, color, nationality, gender differences, social hierarchy.

Таом номлари бадиий асарларда ҳам кўп учрайди. Улар турли мақсадларда қўлланади: 1) давр колоритини бериш; 2) овқат номлари орқали қаҳрамоннинг характери, табиати ва вазиятини кўрсатиш; 3) асарда қаламга олинган давр одамларининг турмуш даражасини кўрсатиш; 4) миллийликни намоён этиш; 5) гендер фарқларни кўрсатиш.

Бадиий асарлардан олинган мисоллар асосида фикримизни далилласак. Зайнаб унга икки пиёла чойни ичиргандан сўнг сўради:

– Сизни кеч қайтарсиз, деб ош қолдирмаган эдик, совуғроқ бўлса ҳам озроқ олиб қўйган эдим... есангиз?

Отабек очиқиб келган эди, “майли, беринг”, деди. Бояги гап билан ейилмаган лағмон Отабекнинг олдиға келди. Устидаги қиймаси билан лаганнинг бузилмаганини кўриб Отабек сўради:

– Ўзларинг емадингларми?

– Едик. Кумуш опа ҳам шу ерда эдилар... Лағмонни унча хушламас эканлар, шекиллик, яхши емадилар... У киши емаганларидан кейин мен ҳам еб ўлтурғали иймандим...

Емаган бўлсангиз, сиз ҳам олишинг, – деди бек. Зайнаб эридан ийманмай биргалашди [1;186].

Ўзбек маданиятида қадимда лағмон “Келин уялди” овқат сифатида баҳоланган. Чунки уни ҳамманинг олдида тановул қилиш ноқулайлик

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

туғдиради. Ўзбек романчилигининг шоҳ асари “Ўткан кунлар”да *Зайнаб эридан ийманмай биргалашди* жумласи орқали унинг эридан уялмай лағмон ейиши одоби қай даражада эканлигини кўрсатади. Кумуш эса бу овқатни хушламаслиги Зайнаб томонидан айтилган. Аммо бугунги кунда лағмонни аёлларнинг бемалол тановул қилиши уят саналмайди. Бу лағмоннинг олам лисоний манзарасидаги ўрни ўзгарганлигини, овқат номлари, уларнинг истеъмол қилиниши даврга қараб фарқланишини кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбек тилининг изоҳли луғатидада “палов” сўзига алоҳида изоҳ берилган: ПАЛОВ [ф. палов] Асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гўшт ва сабзидан иборат, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган қуюқ овқат; ош. Нўхатли палов. Майизли палов [5;224].

Кўп бадий асарларда, жумладан, “Ўткан кунлар” романида ҳам шу таом билан боғлиқ манзарани кузатиш мумкин:

Ҳасанали **палов**га урнаш учун ташқарига чикди. Отабек меҳмонларга чой қуйиб узатди. Ҳомиднинг ҳалиги сўзидан кейин орадаги баҳс кесилган эди. Учовлари ҳам бир нарсанинг хаёлини сургандек кўринар эдилар [1;10].

С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” асаридан олинган номигагина қори бўлган, амали йўқ Қори Ишкамба лақабли сўдхўрнинг овқатланиши билан боғлиқ эпизодга диққат қилсак:

– Сизга ҳам бир пиёла қуйиб берайми, Қори ака? – деб Қори-ишкамбадан сўради.

– Йўқ, менинг иштаҳам учун унақа дорилар керак эмас, агар рухсат берсангиз, олдингиздаги ғалати **кабоб**ларга шерик бўлайин, – деди Қори-ишкамба. Лекин у одамнинг “марҳамат қилинг” деб рухсат беришини кутмасдан икки товоқдаги **жаркоп** ва **котлет**лардан ярмисидан кўпроғини олиб, ўз олдидаги **палов** товоғи устига босди ва ундан кейин ҳеч кимга қарамасдан ва ҳеч кимнинг гапига жавоб бермасдан пишиллаб ея бошлади [3;48].

Дастлаб мазкур таом номларининг ЎТИЛда берилган изоҳларини келтирсак:

КОТЛЕТ [фр. cotelette – қобирғача < лот. costa – қобирға) Қиймаланган ёки туйилган гўшtdан тайёрланган ясси, кулча шаклидаги овқат (баъзи турларида қийма қобирғага ёпиштирилган бўлади) [4;483].

ЖАРКОП [р. жаркое – қовурилган; қайноқ] Гўшт ва картошкадан тайёрланган қовурма овқат; қовурдоқ [4;85]. Сирасини айтганда, жаркоп рус пазандалигининг таъсирида пайдо бўлган, яъни русча гўшт билан картошканинг қовурмасидан иборат “жаркое” номининг ўзлаштирилган

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

шаклидир. Рус ошхоналари, ресторанларида жаркоп кўп тайёрланган ҳамда шулар орқали ўзбек пазандачилигига кириб келган [2;117].

Кабоб, жаркоп, палов ва котлет каби таомлар ҳам ўзига тўқ табақа вакилларининг овқати бўлиб, асарда ёзувчи уларнинг турмуш даражасини кўрсатишга ҳаракат қилган. Юқорида номлари зикр этилган овқатлар ўзбек таомномасида бугунги кунда ҳам оламнинг лисоний манзарасида ўз ўрнига эга.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги қуйидаги эпизодда таом номи қўлланган бўлиб, ўша давр бойларининг турмуш даражасини кўрсатган: Етиб бориб отдан тушдим. Бой шийпонда **калла гўшти** билан нонушта қилиб ўтирган экан. Салом бериб, секингина пойгакка тушиб ўтирдим[6; 212].

Калла гўшти ўша даврда ижтимоий аҳволи яхши, турмуш даражаси баланд кишиларнинг таомномасида етакчи ўринда турган. Ҳозирги кунда эса мазкур таомнинг олам лисоний манзарасидаги ўрни ўзгарган. Бугунги кунда бу таом бойларнинг эмас, турмуш даражаси ўртача ёки ундан паст бўлган кишиларнинг дастурхонида бўлиши мумкин.

Шу асардаги яна бир воқеага диққат қилсак:

Бойнинг чайнаб турган **яхна тилни** ютишга ҳам дармони қолмади. Оғзидан олиб қўйди-да, бақрайганча менга тикилиб:

– Ўзинг жинни-пинни бўлдингми? Ўт тушди деганинг нима деганинг, қаерга ўт тушди? Нимага тушади? [6;218].

Бу ўринда яхна тил таом номи келтирилган:

Яхна тил – тез ҳазм бўладиган ва ғоят лаззатли бўлиб, бизнинг давримизгача унутилмай етиб келган тансиқ таомдир. Чунки тил пишириш усули жуда осон – битта қайнатиш. Тилнинг парҳезлик хосиятлари ҳам бўлиб, барча ички аъзоларимиз фаолиятини яхшилайти. Яхна тил тўйларда, байрамларда азиз меҳмонлар дастурхонига қўйса арзигулик тамадди ҳисобланади. Асосан, мол тили яхна тамаддининг масаллиғидир [2;104]. Бу таом ҳам асар қарамони Сарибой бўлисининг овқатланиши билан боғлиқ равишда тилга олинган. Мазкур таом ҳозирги кунда ҳам турмуш даражаси яхши бўлган кишиларнинг таомномасида мавжуд.

Демак, бадий асарларда қўлланилган таом номлари ижодкорнинг маълум мақсадини, халқнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини, гендер фарқларни, ижтимоий иерархияни ифодалашга хизмат қилади. Айрим таом номлари даврга қараб оламнинг лисоний манзарасида ўзгаришга учраши ҳам мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

1. Abdulla Qodiriy. O‘tkan kunlar. – Toshkent: “Sharq”, 2013. – 215 b.
2. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент: “Меҳнат”, 1989. – 344 б.
3. Садриддин Айний. Судхўрнинг ўлими. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982. – 71 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд. – 671 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 3-жилд. – 688 б.
6. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. – 362 б.